

**Бадриддинова Дилноза Нажмиддиновна,**  
Тошкент Кимё халқаро университети  
тадқиқотчиси

# ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ВА МАТАЛЛАРИДА НУТҚНИНГ БЕЗАГИ ҲАМДА МАЖОЗИЙ ФИКРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

УЎК: 398.91

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL\\_2024\\_ISSUE\\_9\\_8](https://doi.org/10.34920/so/vol_2024_issue_9_8)

## **БАДРИДДИНОВА Д.Н. ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ВА МАТАЛЛАРИДА НУТҚНИНГ БЕЗАГИ ҲАМДА МАЖОЗИЙ ФИКРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Мақоллар ва маталлар инсон ҳаётининг қомуси, унинг шамчироғи, халқнинг одоб гулшанига тақилган тумордир. Халқ оғзаги ижодининг мақолар жанри тарихий ҳаёт давомида сон ва мазмун жиҳадан бойиш ҳусусиятига эга. Халқ оғзаки ижоди жанрлари тарбиянинг энг асосий методологик манбаларидан бири бўлиб, мақолада ўқувчиларни ахлоқий руҳла тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларнинг ўрни ва бошқа тарбия турларни билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: халқ мақоллари, халқ донишмандлиги, халқ одобномаси, халқнинг педагогик қарашлари, маънавий устуворлик, ахлоқий ва фалсафий етуклик, халқ педагогикасининг шарқона анъаналари.

## **БАДРИДДИНОВА Д.Н. УЗБЕКСКИЕ НАРОДНЫЕ ПОСЛОВИЦЫ И ПОГОВОРКИ КАК УКРАШЕНИЕ РЕЧИ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ В ВЫРАЖЕНИИ МНЕНИЯ В ПЕРЕНОСНОМ СМЫСЛЕ**

Пословицы и поговорки – это энциклопедия человеческой жизни, ее светильник и оберег, носимый в цветнике нравов людей. Жанр поговорок народного творчества имеет особенность обогащаться численно и содержательно в течение своей исторической жизни. Жанры народного творчества являются одним из основных методических источников воспитания, и в статье описывается роль жанров народного творчества в воспитании у учащихся нравственного духа и его связь с другими видами воспитания.

Ключевые слова и понятия: народные пословицы, народная мудрость, народный этикет, народные педагогические воззрения, духовный приоритет, морально-философская зрелость, восточные традиции народной педагогики.

## **BADRIDDINOVA D.N. UZBEK FOLK PROVERBS AND SAYINGS AS SPEECH DECORATION AND THEIR APPLICATION IN EXPRESSING OPINION IN A FIGURE SENSE**

Proverbs and sayings are an encyclopedia of human life, its lamp and amulet, worn in the flower garden of people's morals. The genre of folk sayings has the peculiarity of being enriched numerically and meaningfully during its historical life. Genres of folk art are one of the main methodological sources of education, and the article describes the role of genres of folk art in instilling moral spirit in students and its connection with other types of education.

Key words and concepts: folk proverbs, folk wisdom, folk etiquette, folk pedagogical views, spiritual priority, moral and philosophical maturity, eastern traditions of folk pedagogy.

**Ишнинг долзарблиги.** Ўз маънавий ҳаёти ва келажагини қураётган ҳар бир давлат эзгулик, одамийлик, ҳалоллик, фидойилик, меҳр-оқибат, виждонийлик, адолат сингари ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади ва мустаҳкамланади. Ўсиб келаётган ёш авлод дунёқараши ва онгини ахлоқий қадриятлар асосида шакллантириш ва амалда қўллашни ўргатиш баркамол авлодни ҳар даврда узвий ўсишини таъминлайди. Халқ педагогикасида тарбиянинг бирламчи, иккиламчиси бўлмайди. Ҳамма нарса ҳисобга олиниши, ҳеч бир соҳа чеккадан қолмаслиги, айна чоғда тарбиянинг ниҳоятда нозик, инжиқ, мураккаб томонлари эътиборга олинган ҳолда, етти ўлчаб бир кесишга амал қилинади. Шунингдек, халқ тарбиясида кеча, бугун ва эртани ўйлаб иш тутилади, яъни тарбияни ўтмишни унутмаслик, бугуннинг қадрига етишлик, келажакка умид асносида олиб борилади. Унда ҳаёт, табиат ва жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса, предмет, кўриниш қисқаси жонли жонсиз неки бор ундан мукамал фойдаланади. «Ўзбек халқ педагогикаси» халқ педагогикасининг ажралмас таркибий қисмидир. Унинг қамрови ниҳоятда кенг, бағоят серқирра ва сержило тушунчадир<sup>1</sup>.

**Мавзу бўйича илмий манбаларнинг қисқача таҳлили.** Халқ педагогикаси бой илмий-педагогик манбаларга эга. М.Шербоев, М.Саттор, Т.Жавлиев, М.Очилов, Р.Усмонов, М.Т.Тўлабоев, У.Маҳкамов, А.К.Мунавваров, К.Ҳошимов, И. Жабборов, И., М.Мўминов, Г.А.Ҳидоятлов, С.Х.Темурова, З.М.Миртурсунов, Б.А.Қодиров, О.М.Мусурмонова, каби кўпгина олимларимиз томонидан яратилган илмий педагогик адабиётлар халқ педагогикасини ўрганишда муҳим манба саналади. Айниқса, «Ўзбек педагогикаси антологияси», «Педагогика тарихи», «Педагогика» каби дарслик ва қўлланмалардан асосий манба сифатида фойдаланиш алоҳида эътироф эга<sup>2</sup>.

**Тадқиқот мақсади** ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларнинг ўрганиш ва илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

<sup>1</sup> Ширинов М.К. Умумий педагогика тарихи. Ўқув қўлланма. - Т.: "Яшил япроқ нашриёти", 2024. - 366 б.

<sup>2</sup> Мутолипова М.Ж. Халқ педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2015.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларнинг аҳамиятини ўрганиш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш ва мазмунини шакллантириш;

– ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларнинг ўрганиш ва илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини тажриба синови асосида баҳолаш.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда илмий – методик адабиётларни таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, моделлаштириш, суҳбат, интервью, анкета сўровлари, тестлар, тажриба-синов, математик статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқот объекти:** ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрлар ўрганиш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрлар ўрганиш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг асосий мазмуни.** Мақол сўзи ўзбек тилида жуда қадимдан мавжуд. Чунки бу сўз ўтмиш адабий ёдномаларда кўп учрайди. Бу ёдномаларда мақол сўзи юқорида айтилган биринчи маънода келади. XIX аср охирларига келиб мақол сўзи фольклорда шу жанрнинг номи сифатида ишлатила бошланади. Жумладан, XIX асрнинг охирларида XX аср бошларида Туркистон ўлкасида нашр қилинган турли мактаб дарсликлари ва хрестоматияларида мақоллар ва маталлардан намуналар берилса сарлавҳаси остида берилган, лекин XX асрнинг йигирманчи йилларига мақол термини умумлашмаган 20-йиллардан бошлаб Ҳамза, Абдулла Қодирий ва адриддин Айнийларнинг асарларида ишлатила бошлаган. Ҳозирда эса назм, наср ва драма асарларида энг кўп истеъмол қилинади. Масалан: "Етимнинг оғзи ошга етишса, бурни қонар", деган бурунгилар мақоли бари меним учун айтилган туюлу<sup>3</sup>. Мақол термини бир неча туркий тилларда: бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, татар, уйғур тил-

<sup>3</sup> Ҳамза. Танланган саралар. - Т.: Ўздавнашр, 1949. 162-бет.

ларида учрайди. Тожик тилида ҳам бу термин бор. Тожик фольклоршунос олимлари мақол терминини тожик тилида русча “пословица” маъносини эмас, балки русча “поговорка” терминининг муқобили бўла олади, деб кўрсатадилар<sup>1</sup>. Мақол сўзи форс тилида ҳам тожик тилидаги каби маънога эга. Мақол сўзининг иштирок этиш билан ҳам мақоллар яратилган. Масалан: Сўз курки-мақол, ер курки-соқол. Бу мақол татар тилида ва қозоқ тилида ҳам мавжуддир<sup>2</sup>. Халқ оғзаки ижодининг мақоллар жанри тарихий ҳаёт давомида сон ва мазмун жиҳадан бойиш хусусиятига эга. Яъни мақоллар замон ўтиши билан истеъмолдан чиқиши ва айна пайтда янги намуналари вужудга келиши мумкин. Мақолларнинг истеъмолдан чиқишида қуйидаги омиллар сабаб бўлади. Тарихий ҳаётни ўзгариши ижтимоий ҳаётда мақолни қўллаш эҳтиёжнинг йўқолишининг оқибатида мақол халқ эсидан чиқади. “Омоч сени туйдиргай. Омборингни тўлдиргай”. Омоч ишлатиш аста-секин йўқолиб боргани сари мақол ҳам чиққан.

2. Тарихий сўзлар иштирокидаги мақоллар вақт ўтиши билан йўқолади.

*Қозига берсанг суяр.  
Бермасанг - сўяр.*

3. Айрим мақоллар оғзаки ижоднинг оғзакилиги белгиси таъсирида қўллаш ҳам мумкин. Хитой хонинг газмоли кўп, лекин ўлчамай кесилмайди. Баъзан мақолнинг бир қисми яшайди, иккинчиси йўқолади.

“Аш татиғи туз жуғрин жемес”. (Ош тузи билан тотли, лекин лаган билан ёлғиз тузнинг ўзи ейилмайди).

Юқоридаги сабаблар мақолнинг йўқолишига олиб келади. Айна пайтда мақолларимиз намуналарнинг бойиш манбалари ҳам йўқ эмас. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар натижасида янги мақоллар вужудга келди. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг “Ватанни севмоқ - иймондандир”,

ҳикматли сўзни қўллаш оммалашди. Дастлаб бу мақолсифат жумла Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобида<sup>3</sup> Муҳаммад Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси экани айtilган эди. Аммо бу ҳикматли сўз халқимиз орасида кўп қўлланмаган. Мустақилликдан сўнг энг оммавий мақолга айланиб кетди.

2. Халқ мақолларининг янги – янги намуналари халқлар ўртасидаги иқтисодий ижтимоий алоқаларини ривожланиши натижасида пайдо бўлади. “Олма оғочидан олисга тушмас” мақолининг таржимаси. Бугунги кунда мақолнинг келиб чиқиши бизни деярли қизиқтирмайди.

3. Янги мақолларнинг пайдо бўлиши алломалар, доно адиблар айтган сўзлар билан боғлиқ бўлади. Тарихда биз Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий ижоди билан танишарканмиз афоризм деб аталмиш муаллифи аниқ доно ва ҳикматли сўзларга дуч келамиз. “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур”, каби мисоллар шулар жумласидандир.

Мақоллар ўз ва кўчма маъноларга эга бўлиши билан яна ҳам диққатга сазовордир. “Ёмон хотин олгунча бўйдоқ юрган яхшироқ”, “Қизи борнинг нози бор”, “Қуда бўлгунча кўп синаш, Қуда бўлгач кўп сийлаш” каби мақоллар ўз маъносида қўлланади. Айрим мақоллар фақат кўчма маънода қўлланади. “Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламас”, “Егрининг омочи ерга ботмас”, “Ўтин айиган болта майдонда қолар” каби мақоллар билан танишганимизда кўчма маъно яширинганини ҳис қиламиз. Бир қарашда “Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламас” мақоли ўз маъносида ҳам қўлланганидек туюлади. Аммо бу ҳикматли сўзни ҳес ҳким ўз маъносида деярли қўлланмайди. Аслида ҳаётда учраб турадиган турли миш мишларни рост эканлигинди таъкидлаш мақсадида бу мақолни эсга олиш одат тусига кирган. Ёзма адабиётда мақоллардан фойдаланишнинг уч кўриниши мавжуд:

1. Халқ мақоли айнан келтирилади.

Алишер Навоийдан Муқумийгача, Чўлпондан Ўткир Ҳошимовгача ўз асарларида фикрни ихчам ва тушунарли ифодалаш

<sup>1</sup> Зарбулмасал ва мақолҳой тожик ий. – Душанба: 1960, 13-бет.

<sup>2</sup> Муҳаммаджон Ҳақимов. Мақол терминлари ҳақида. // Узбек тили ва адабиёти журнали, 1965.

<sup>3</sup> Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ.

мақсадида мақол матнидан айнан фойдаланганлар.

“Масалдурким уйқу ўлимдир” (Алишер Навоий),

“Отнинг ўлими Итнинг байрами” (Абдулла Қаҳҳор).

2. Мақолдаги айрим сўзлар ўзгаради маъно сақланади.

“Оталарда бир сўз бор эшит оғажон, изида “Босган изидан қайтмас ўлса ҳам арслон”(Ҳамза). Бу мисраларда шоир “Арслон изидан қайтмас, “Арслон изидан қайтмас, Ўйигит сўзидан қайтмас” мақолидан ижодий фойдаланган.

3. Шоир бирор фикрни мақолдаги маънодан фойдаланиб ифодалайди. Бир қарашда бу фикр мустақилдек кўринади. Фикр юритсак адибнинг халқ мақолларидаги маънони ўзига хос бошқа сўзлар билан ифодаланганини англаймиз. Масалан, Алишер Навоий ғазалларидан бирида “Ўлтирур маҳрамни султон ганжи пинҳон айтгач”, - деган мисра бор<sup>1</sup>. Халқ мақоллари асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келган жанрлардан биридир. Халқимизнинг дунё қараши жамиятга бўлган муносабати ахлоқий меъерини, тарихий ва руҳий ҳолатини ифодалайди. Мақоллар ўзининг тузилиши жиҳатидан қисқа, лўнда, пухта, мантиқли, фикран тугалланган ва сиқик ишланган бўлади. Мақолларда ҳаётини тажрибалар натижасида келиб чиққан қимматли фикрларнинг ҳулосаси ифодаланлади. Мақоллар кўпинча поэтик формага эга бўлади. Улар ўзининг ихчам, пишиқ ва пухта ишланганлиги билан ҳам халқ оғзаки ижодидан бошқа турларидан фарқ қилади. Мақоллар чуқур ва мукамал мазмунга эга бўлиб, улардан меҳнаткаш халқнинг донолиги, миллий анъаналари узоқ асрлик ҳаётини тажрибалари ҳамда меҳнат якунлари мужассамланади. Фолклор асарларнинг бошқа ҳамма жанрлари каби мақоллари ҳам меҳнаткаш халқнинг орзу-умидлари, ватанпарварлик, инсонпарварлик хислатлари, қисқаси, барча ижобий фазилатлари акс этган бўлади. Шу сабабдан ҳам уларнинг тарбиявий ғоят каттадир. Ўзбек халқ мақолларининг мавзуси бой

ва бадий жиҳатдан ранг-барангдир. Турмушнинг ҳамма соҳаларида: меҳнат жараёнида, жонли суҳбатларда, ёзма адабиёти-мизда мақол ва ҳикмат иборалар жуда кўп ишлатилади. Англитилмоқчи бўлган фикрлар образли қилиб ифодаланади. Шунинг учун ҳам халқимиз “Сўзнинг кўрки – мақол”, “Яхши нақл томири ақл”, “Оталар сўзи - ақлнинг кўзи” деб бекорга айтмаганлар. Мақоллар фольклорнинг бошқа жанрлари жумладан, дostonларда, эртақларда, қўшиқларда ҳам кўп учрайди. Шунингдек, кўпчилик халқ эртақларининг охири ҳам, қиссадан ҳисса тарзида, мақол ёки матал тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бирон бир панд-насиҳат билан тугайди<sup>2</sup>. “Матал сўзи туркий халқлар орасида турлича маъноларда қўлланилади. У топишмоқ, ҳикматли сўз эртақ, умуман, ҳикоя қилиш, нақл қилиш, ҳикмат айтиш маъноларида ишлатилади. У термил ўзбек фолклор шунослигида паремаларнинг бир турини ифодалайди. Шунинг учун ҳам у турли луғатларда турлича изоҳланган. Жумладан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бу атаманинг икки маъно англаши ва у араб тилига мансуб сўз эканлиги кўрсатилади. Луғатларда изоҳланишича, матал “тугал маъно ифодаладиган образли ибора, ҳикматли сўз” дан иборат. Бу изоҳ халқ маталларининг ҳам поэтик, ҳам сематик, ҳам структурал табиатини нисбатан аниқ ифода-лаб беради. Аммо луғатда кўрсатилганидек, “матал” сўзи айнан шу шаклда араб тилига оид луғатларда учрамайди. Маталнинг жанр хусусиятлар қуйидагилар:

1. Матал аниқ, тугал фикр англамайди. Улар образли бирикма ёки ибратли гаплардир.

2. Матал асосида чиройли, образли, аммо тугал бўлмаган ифода ётади. Бинобарин, матал ихчамбир таркибли композицияга эга бўлади.

3. Маталлар локал қўлланиш чегарасига эга бўлиб, улар ҳеч қачон миллатлараро истемол доирасида учрамайди.

4. Матал нутқда кўрсатиш воситаси сифатида қўлланилади.

<sup>1</sup> Фармонова М. Қадриятлар – маънавий камолот асоси. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: “Тасвир нашриёт уйи”, 2019.

<sup>2</sup> Муҳхаммаджон Ҳақимов. Мақол терминлари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1965.

Ўзбек халқ мақоллари. - Т: 1978.

“Матал” терминининг топишмоқ маънолари ҳақида фикрлари юритилган. Матал билан масал орасида лингвистик бирлик борми, яъни бу иккала сўздаги “т” билан “с” товушлари орасида фонетик ҳодиса рўй бериб, “с” “т” га кўчганми, йўқми, бу ҳақида биз қатъий фикр айта олмаймиз”.

Матал сўзини масалдаги “с” нинг “т” га ўтиши натижасида келиб чиққан деб айтиш мумкин. Араб тилидан бошқа тилларга ўтган баъзи сўзларда товуш алмашинишининг юқоридаги ҳодисасини кўриш мумкин. Матал термини юқорида айтиб ўтилганидек амалиётда мақолнинг бошқа терминлари билан аралаш ишлатилаверади. Матал термини ўзбек тилининг Сурхондарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятидаги баъзи шеваларида эртак маъносини ҳам беради. “Матал” сўзи туркий халқлар орасида турлича маъноларда қўлланилади. У топишмоқ, ҳикматли сўз, эртак, умуман, ҳикоя қилиш нақл қилиш ҳимат айтиш маъноларда ишлатилади. У термин сифатида ўзбек фольклоршунослигида ишлатилади. Матал халқ мақоли билан баъзи ўхшашликларга эга бўлсада, лекин ўзига ҳос жиҳатлари билан ундан фарқланиб туради. Маталларнинг пайдо бўлиши турғун образли ибораларнинг юзага келиши билан боғлиқдир. Маталлар сўзнинг кўп маънолигига таянганлиги учун нутқий фразеологик ибораларда қарама-қарши ҳолда ифодадаги ўхшаш ва қиёслашларни кучайтиради. Шунинг учун ҳам уларда қиёсланувчи элементларнинг тафовути яхши сақланади. Маталлар таркиби қандай бўлишидан қатъий назар, грамматик жиҳатдан гапнинг бир бўлаги билан келади. “Қил учиди турибман”, “Семизликни қўй кўтаради”, “Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзар”, “Бекорга мушук офтобга чиқмайди” кабилардир. Матал – кўчма маънода ишлатувчи халқ мажозий ибораларнинг бир тури. Матал ўз маъносидан бошқа маънога кўчирилган сўз бирикмаларидан иборат бўлади, унга ўхшатиш, киноя, қочирма сўз ва бошқа тил воситалари қўлланилади. Маталда мажозий иборанинг ўз асл маъноси билан кўчирилган маъноси ўртасида яқин муносабат, мантиқий боғланиш бўлиши шарт. Масалан: ўринсиз айтилган гап маъноси “томдан тараша тушгандай”, ҳар бири ишни устаси қилса, яхши мазмуни “чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”,

ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш афзаллиги “темирни қизиғида бос” иборалари орқали баён этилган. Ана шундай иборалар маталлардир. Матал одатда нотик нутқи таркибий қисмини ташкил этади, аммо мустақил қўлланганда тугал фикр англатмайди. Масалан, халқимизда “яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан қилич қинидан чиқар”, деган мақол бор. Агар мақолнинг ярим матинини “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” тарзида қўлласак, биз матал айтган бўламиз. Чунки “Илон инидан чиқадиган” сўз бирикмаси алоҳида айтилса, мустақил маъно англатмайди.

## 2. Халқ ибораларида мажозий фикр.

Мақоллар қанчалик тарихий, маиший ҳаёт билан, ижтимоий масалалар билан майдонга чиққан бўлсалар, иборалар ҳам ҳудди шу хилда ҳаётий воқеалар, ижтимоий-тарихий ҳодиса ёки маиший ҳаёт билан боғланган ҳолда пайдо бўлганлар. Мақолда халқнинг ҳаётий тажрибалари, тарихий, ижтимоий воқеалар қандай ихчам, аниқ ва равшан қилиб ифода этилса, ибораларда ҳам худди шу хилда ихчам, равшан қилиб ифода этилади.

Ибора билан мақол орасига кескин чегара қўйиб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, бу икки жанр орасида маълум даражада фарқ бўлиши мумкин. Мақолларнинг ҳаммаси мажозий маънода бўлавермайди (“ишласанг тишлайсан”, “деҳқон бўлсанг шудгор қил”), аммо ибораларнинг деярли ҳаммаси мажозий маънода ишлатилади, “тегирмонга тушса бутун чиқади”; “ҳалво деган билан оғиз чучмайди”; “қўли эгри, тили аччиқ” ва бошқалар.

Бу иборалар образли ифодалар бўлиб буларда муҳокамали фикрлар акс этмайди. Ибора халқ сўзида, суҳбатида нутқида мақолага қараганда кўпроқ ишлатилади. Жонли тилда баъзи иборалар мақолга, баъзи мақоллар эса иборага яқин туради. XIX асрнинг биринчи яримидаги тадқиқотчи И.Снегирев “Баъзи бир иборалар мақолдан, баъзи бир мақоллар эса, аксинча иборалардан келиб чиққан”<sup>1</sup>, деган эди. Масалан, “Итни эркалатсанг, оғзингни ялайди”, “Шакарнинг ози ширин” каби иборалар мақолга анча яқин

<sup>1</sup> Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси. – Т.: “Фан”, 1973.

туради. Ибора образли ифодалар бўлиши нуқтаи назаридан мақолларга қараганда кўпроқ тил ҳодисалари билан яқинлашади. Масалан, “Мошхўрдага қатиқ бўлма” иборасидан ҳар бир нарсага, ўзинг билмайдиган ишга аралашаверма маъноси англашади. Бу ибора халқ тилига анча яқин туради ва ундан ажратиб бўлмайди. Ибораларда мақолларга қараганда, миллийлик умумхалқ аҳамиятига эга бўлиш кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, “Кўнгли кир одам” иборасида “кирлик” кийимга, баданга нисбатан ишлатилган тақдирда тўғри маъно, аммо кўнглига нисбатан ишлатилса, мажозий маъно касб қилади, ёки “кўзи очиқ кетти” иборасида эса ёш ёки боласи бўлмай ўтган одамга нисбатан ишлатилади.

#### **Хулоса ва тавсиялар.**

1. Халқ оғзаки ижоди жанрлари асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб, бойиб боришининг, фуқаро, Ватан тақдирида ҳал қилувчи ролининг боиси, **биринчидан**, унинг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, серқирра, сермаънолигида бўлса, **иккинчидан**, унинг бево-сита халқ томонидан мавжуд ҳаёт жараёнида жонли анъаналарда яратилиши, яшаши, ҳаёт,

инсон муаммоларини қамраб олиши, тарбиянинг энг долзарб масалалари ечимини ҳал қилишга қаратилгани, **учинчидан**, умуминсоний йўналишга, умумбашарий ғоя-мақсадларга қаратилган бўлганлигидир.

2. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, халқ оғзаки ижоди жанрлари бамисоли жонли организм, қайнар булоқ, ўлмас, ўчмас, доимо бойиб, кўпайиб борувчи илоҳий, мўъжизавий тарбия соҳасидир. Халқ бор экан, эл яшар экан, бу соҳа яшайверади, ўзининг авлод-аждодларга беминнат хизматини ўтаверади. Зеро, халқ орзу-умиди, қувонч-ташвишлари, ғам-ғуссаси, армонлари, шодлик, бахтиёрлик онларини қадр-қимматлари, маънавий-маърифий, бадиий-эстетик қарашлари, дунёқараши, фалсафий-ахлоқий тушунчалари, ҳаётий, таълим-тарбиявий хулосалари халқ педагогикасида зуҳр этилади. халқ оғзаки ижоди жанрлари ўзининг йўналиши, ибратли хулосаларга бойлиги, бебаҳо асарлари, маъно-манتيқ жиҳатдан мукамаллиги, теранлиги, услуби, одобномаси, одатномаси, ибратномаси билан ҳар қандай миллат, эл ҳавас қилса арзийдиган буюк меросдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси. - Т.: «Фан», 1973.
2. Мутолипова М.Ж. Халқ педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2015.
3. Ширинов М.К. Умумий педагогика тарихи. Ўқув қўлланма. - Т.: “Яшил япроқ наширети”, 2024. 366 б.
4. Юсупов Э. Маънавий камолот омиллари. - Т.: Университет, 1995.
5. Фармонова М. Қадриятлар – маънавий камолот асоси. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: “Тасвир нашриёт уйи”, 2019, 36 б
6. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/ozbek-xalq-maqollari/>